

ДЕМЕНЦИЯ КАСАЛЛИГИНИНГ ДУНЁ БЎЙИЧА ТАРҚАЛИШ**ТЕНДЕНЦИЯСИ**

Рахимбаева Г.С.,

Камилова М.Р.

Тошкент тиббиёт академияси

Ҳозирги кунда деменциянинг юқори тарқалиши ўртача 60 ёшдан ошганлар орасида 5-7% ни ташкил қилмоқда. Уларнинг орасида катта ёшдагилар улуши ортиб бораётганлиги сабабли, деменция билан оғриган беморлар сонининг кўпайиши кутилмоқда. Ферри ва унинг ҳамкасблари олиб борган илмий изланишлар натижаларига кўра 2001 йилда дунё бўйлаб деменция билан 24,3 миллион киши бор эди. Бу рақам ҳар 20 йилда икки баравар ошиши башорат қилинган. Шундай қилиб, 2020 йилга келиб, деменция билан касалланган беморларнинг кутилаётган сони 42,3 миллион кишини, 2040 йилда эса 81,1 миллион кишини ташкил қилиши мумкин. Ўн йил ўтгач, Принсе ва унинг ҳамкасблари Феррининг башоратлари амалга ошишини кўрсатди. 2010 йилга келиб дунёда деменция билан оғриган беморлар сони 35,6 миллион кишини ташкил этди. Деменция билан касалланган беморларнинг кутилаётган сони 2030 йилга келиб 65,7 миллион ва 2050 йилга келиб 115,4 миллион кишини ташкил этади. Сўнгги йилларда баъзи ривожланган мамлакатларда деменция билан оғриган беморлар сонининг ўсиш суръатларининг камайиши ёки ҳатто барқарорлашуви тўғрисида маълумотлар пайдо бўлди, бу тиббий ёрдам сифати, соғлом турмуш тарзи, иқтисодий вазият ва ижтимоий аҳволнинг яхшиланиши билан боғлиқ. Бироқ, бу тенденциялар дунёда деменция тарқалишининг тез ўсишининг умумий расмини ўзгартирмайди. Сўнгги ўн йилликларда аҳолининг умумий сонидан кекса одамларнинг улуши ортиб бормоқда, шу сабабли катта ёшдаги психопатология муаммоси тобора клиник ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Маълумки бу ўз навбатида, қон томир деменция ва уни келтириб чиқарадиган қуйидаги хавф омилларига тааллуқлидир: юрак-қон томир касалликлари, артериал гипертензия, инсулт ва қандли диабет буларнинг барчаси ёши катта инсонлар ва кекса одамларга ҳосдир. Бундан ташқари, агар Европа мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари аҳолиси орасида Алцгеймер типдаги деменция тарқалиш бўйича биринчи ўринда турса, Россияда қон томир деменция кўпроқ учрайди - 60 ёшдан ошган аҳолининг 5,6% ни ташкил қилади. Бу айниқса долзарб маиший тиббий ва ижтимоий муаммода. Гаврилова томонидан олинган маълумотлар қон томир деменциясини (80 ёшдан кейин) пасайиш частотасининг ошиши учун ёш чегаралари (75 ёш) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар қизиқиш уйғотади.